

Менежмент тизимларини жорий этишни мувофиқлаштириш бошқармасининг НИЗОМ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида”, “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида” Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги ПҚ-4059-сонли ва 2017 йил 28 апрелдаги ПҚ-2935-сонли Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 апрелдаги 348-сонли ва 2011 йил 28 апрелдаги 122-сонли Қарорлари ва халқаро стандартларига мувофиқ менежмент ва бошқа тизимларини жорий қилиш ҳамда сертификатлаштириш соҳасидаги тегишли бўлган бошқа қонунчилик ҳужжатларига асосан Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг (бундан буён матнда «Агентлик» деб юритилади) Менежмент тизимларини жорий этишни мувофиқлаштириш бошқармасининг (кейинги ўринларда - «Бошқарма» деб юритилади) асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, кўйиладиган талаблар жавобгарлиги, фаолиятини ташкил этиш ва тугатишни белгилайди.

Бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари, халқаро битимлар, Агентликнинг Низоми, Агентлик Бош директорининг буйруқлари ва қарорлари ҳамда ушбу Низомга амал қилади.

II. БОШҚАРМАНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

Бошқарманинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари қуйидагилардан иборат.

Халқаро ISO стандартларига мувофиқ менежмент тизимлари, Halal, Global G.A.P., Organic ва бошқа халқаро стандартларини жорий этиш ва сертификатлаштириш соҳасида:

- замонавий тизимларни биринчи навбатда экспортёр-корхоналарда жорий қилиш, шунингдек тизимларни баҳолаш фаолиятини халқаро стандартларга мослигини мувофиқлаштириш;

- жорий қилиш ва мувофиқлигини баҳолаш жараёнида иштирок этадиган мутахассисларнинг малакаси, билим ва кўникмаларини ошириш;
- сертификатлаштириш идоралари ва консалтинг компаниялар фаолияти мониторингини ўтказиш;
- жорий қилган корхоналар ўртасида танловлар, рейтинглар ва бошқа мусобақаларни ташкиллаштириш ва ўтказиш;
- жорий қилиш ва сертификатлаштириш масалаларига бағишланган даврий матбуотни (журнал, дайджест ва б.) нашр қилиш;
- жорий қилиш аспектларига бағишланган илмий ишланмаларни ташкиллаштириш, кўмаклашиш ва тарғиб қилиш;
- давлат стандартлари сифатида қабул қилинган халқаро стандартлар реестрини юритиш;
- семинарлар, брифинглар, вебинарлар ҳамда билимларни оширадиган бошқа тадбирларни ташкиллаштириш ва ўтказиш;
- бошқа давлатларда ташкил этиладиган ва ўтказиладиган семинарлар, брифинглар, билим ва малакаларни оширадиган тадбирларда иштирок этиш, грантларни жалб этиш ва фондларни ташкил қилиш;
- сифат бўйича эксперт-аудиторлар, миллий сертификатлар ва мувофиқликни баҳолаш бўйича ишлар натижаларини тан олишни таъминлашга йўналтирилган халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш.

Низомда белгиланган ишларнинг асосий йўналишларига мувофиқ бошқарманинг асосий функциялари қуйидагилардан иборат.

Халқаро ISO стандартларига мувофиқ менежмент тизимлари, Halal, Global G.A.P., Organic ва бошқа халқаро стандартларини жорий этиш ва сертификатлаштириш соҳасида:

- жорий қилиш ва мувофиқлигини баҳолаш бўйича ишларни ўтказишнинг умумий қоидаларини белгилаш;
- республиканинг иқтисодий тармоқларига сифат, рақобатбардошлик ва экспорт салоҳиятини оширишда кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Миллий Сертификатлаштириш Тизимини фаолият юритиши ва ривожланишини таъминлаш;
- баҳолаш объектларининг сертификатлаштирилишини асосий йўналишлари, концепциялари, истиқболли дастурлари ва узоқ муддатли прогнозларини ишлаб чиқиш;
- Ўзбекистон Республикаси мувофиқликни баҳолаш тизими доирасида мувофиқликни баҳолаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқилишини ташкиллаштириш;
- тизимни жорий қилиш ва сертификатлаштириш бўйича сиёсатни юритиш, таклифлар, тавсияларни ишлаб чиқиш;
- Ўзбекистон Республикасидан ташқарида амалга оширилган бошқариш тизимлари мувофиқликни баҳолаш натижаларини Ўзбекистон Республикасида тан олиш зарурати тўғрисида таклифларни тайёрлаш ва

киритиш;

- давлат реестрларини юритиш орқали мувофиқликни баҳолаш соҳасида ягона ахборот ва маълумотлар базасини яратиш;

- тизимлар мувофиқликни баҳолашнинг сертификатлаштирилган объектлари давлат реестрини юритиш;

- тизимларни ишлаб чиқиш, сертификатлаштириш ва юритиш масалалари бўйича вазирликлар, идоралар, ассоциациялар, агентликнинг ҳудудий ташкилотларига услубий ёрдам кўрсатиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

- халқаро тизим стандартларига мувофиқ республика ташкилотларида тизимли ёндашувни жорий қилишда кўмаклашиш;

- тизимларни жорий қилишнинг республика ва ҳудудий дастурларини назорат қилиш;

- тизимларида мувофиқликни баҳолаш соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

- тизимлар соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда иштирок этиш;

- тизимларни жорий қилиш ва сертификатлаштириш бўйича ишларда иштирок этувчи сертификатлаштирилган ходимларни сифат бўйича эксперт-аудитор унвонига аттестатлашни ташкиллаштириш ва ўтказиш;

- тизимларда мувофиқликни баҳолаш қоидалари ва тартиб-таомилларини белгилаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш, Ўзбекистон Республикасининг менежмент тизимлари мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги ҳужжатларни кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш;

- тизимларни жорий қилиш соҳасидаги ютуқларнинг илмий-техник тарғиботини амалга ошириш;

- тизимлар соҳасида хориж ташкилотлари билан илмий-техник ҳамкорликни ривожлантириш;

- тизимлар соҳасида давлат бошқарув органлари, хўжалик бирлашмалари, корхоналари ва ташкилотларига услубий раҳбарликни таъминлаш;

- тизимларни сертификатлаштириш соҳасида фаолиятни яхшилаш ва такомиллаштириш бўйича тавсиялар бериш мақсадида менежмент тизимларини аккредитланган сертификатлаштириш идоралари фаолиятининг мониторингини ташкиллаштириш ва ўтказиш;

- тизимларни аккредитланган сертификатлаштириш идоралари томонидан бериладиган мувофиқлик сертификатлари электрон базасини юритиш;

- тизимлар масалалари бўйича Давлатлараро Кенгаш (МГС), илмий-техник комиссиялари (НТКОС), Халқаро Стандартлаштириш Ташкилоти

(ISO) ва бошқа халқаро ташкилотларида ҳамда ишчи гуруҳларида иштирок этиш;

- МГС, НТКОС, ISO, Halal, Global G.A.P., Organic ва бошқа халқаро ташкилотлар ишчи гуруҳлар йиғилишларида кўриб чиқиш учун таклифларни тайёрлаш, шунингдек бошқариш тизимлари масалалари бўйича қарорларини бажариш;

- тизимлар соҳасида ҳисоб-китоб ва ҳисоботларни амалга ошириш;

- Агентликга рўйхатдан ўтказиш учун келадиган миллий стандартларни ишлаб чиқиш ва экспертиза қилишда иштирок этиш;

- Агентлик хизматлари, бошқармалари ва ҳудудий идоралари оператив фаолиятини текширишда иштирок этиш;

- тизимларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш масалалари бўйича консультация хизматларини кўрсатиш ишларини ташкиллаштириш;

- мувофиқликни баҳолаш қоидалари, тартиб-таомилларини бажариш ва такомиллаштириш мақсадида аккредитланган сертификатлаштириш идоралари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

- МДХ иштирокчи давлатларининг, шунингдек учинчи мамлакатларнинг мувофиқликни баҳолаш давлат идоралари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

- тизимлар масалалари бўйича халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

- тизимлар соҳасида танловлар ўтказишни ташкиллаштириш;

- тизимлар масалалари бўйича замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилишда иштирок этиш;

- тизимлар соҳасида мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда иштирок этиш;

бошқарма қонунчиликка мувофиқ бошқа ишларни ҳам амалга ошириши мумкин.

III. БОШҚАРМАНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

Юқорида кўрсатиб ўтилган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун бошқарма қуйидаги ҳуқуқларга эга.

- халқаро ISO стандартларига мувофиқ менежмент тизимлари, Halal, Global G.A.P., Organic ва бошқа халқаро стандартларини жорий этиш ва сертификатлаштириш соҳасида:

- давлат бошқаруви органлари, юридик шахслар бирлашмалари, корхоналар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларини Агентлик раҳбарияти орқали жалб қилиш;

- қонун, қонунларга ўзгартиришлар, бошқа қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматида киритиш бўйича таклифларни

тайёрлаш;

- бошқармага юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотлар ва материалларни давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, жорий этиш бўлимлари ва сертификатлаштириш идоралари, корхоналар, ташкилотлар ва республиканинг жамоат бирлашмаларидан Агентлик раҳбарияти орқали расмий сўраш;

- мувофиқликни баҳолаш бўйича аккредитланган идоралар томонидан ўтказилган ҳужжатлар тўпламини танлаб текшириш ўтказиш;

- ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича материалларни Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштиришни ривожлантириш бўйича давлатлараро кенгаш, шунингдек агентлик хайъатига кўриб чиқишга киритиш;

- амалдаги қонунчилик ва халқаро қоидалар доирасида Миллий сертификатлаштириш тизимининг қоидалари, тартиб-таомиллари ва функцияларини ўзгартириш бўйича қарорни қабул қилиш учун таклифлар киритиш;

- ҳудудий ташкилотларнинг ишларини Хайъатда кўриб чиқиш тўғрисида таклифни Агентлик раҳбариятига киритиш;

- сертификатлаштириш идоралари, консалтинг фирмаларининг аудитларида иштирок этиш.

Бошқарма ўз зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги мажбуриятларга эга:

- менежмент тизимларини жорий этишни мувофиқлаштиришда мазкур Низом ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

- менежмент тизимларини жорий этишни мувофиқлаштиришда олинган ахборотларни махфийлигига риоя қилиш.

IV. БОШҚАРМАГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Бошқарма ходимлари Агентлик тизимида ва менежмент тизимларини жорий этиш ҳамда сертификатлаштириш соҳасида камида 3-5 йил иш стажига ва олий маълумотга эга бўлишлари шарт.

Бошқарма ходимларини аттестатлаш тартиби Агентлик Бош директори томонидан белгиланади ва ўтказилади.

Бошқарма ходимлари эксперт-аудитор унвонларига эга бўлишлари мумкин.

V. БОШҚАРМАНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

Бошқарма бошлиғи ва ходимлари ушбу Низом ва меҳнат тўғрисидаги

қонунчиликнинг вазифа ва функцияларидан келиб чикқан ҳолда лавозим йўриқномаларида баён этилган ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаганликлари учун амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўладилар.

VI. БОШҚАРМА ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

Бошқармага Агентлик Бош директор томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган Бошқарма бошлиғи раҳбарлик қилади.

Бошқарма бошлиғи бош директорига унинг ўринбосари орқали бўйсунди ва бошқармага юклатилган вазифаларни бажаришга шахсан жавобгар бўлади, ходимларни танлаб олади ва улар ўртасида мажбуриятларни тақсимлайди, улар ишини назорат қилади, бошқарма мутахассислари ўқишини ва малака оширишини ташкиллаштиради.

Бошқарма ходимлари ўз фаолиятини бош директор томонидан тасдиқланган ушбу низом асосида ишлаб чиқилган лавозим йўриқномаларига мувофиқ амалга оширади.

Бошқарма бошлиғи ўринбосарга эга. Бошқарма бошлиғининг ўринбосари ва Бошқарманинг бошқа ходимлари Бош директор томонидан лавозимларига тайинланадилар ва лавозимидан озод қилинадилар.

Бошқарма ходимлари ўз фаолиятини Агентлик Бош директори билан келишилган ва тасдиқланган мансаб йўриқномаларига мувофиқ амалга оширадилар.

Бошқарма амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилади ва тугатилади.